

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 миллион гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 миллион гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг қўлланма ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Натижада 2008-2017 йиллар мобайнида 1,7 миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 миллион гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

Бироқ глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув заҳираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишконцепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ;

2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2019-2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва давлат-хусусий шериклини жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳи) 5-иловага мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Ж. А. Қўчқоров, А. Ж. Вахабов, Ж. А. Ходжаев)га: халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда эксперимент тарикасида 2019 йилда Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида Концепцияни амалга ошириш тажрибасини яратиш;

эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 ноябрга қадар Концепцияни амалга ошириш тажрибасини бошқа ҳудудларда жорий этиш, шу жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклининг аниқ шартларини, қўшимча имтиёзлар, алоҳида имтиёзли кредит линияларини ҳамда фойдаланишга киритилган ер ва сувдан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин;

заруратга кўра, мазкур Фармоннинг 2-4-иловаларида белгиланган муддатлар ва ҳудудларни ўзгартариш ҳамда уларга қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилди.

Давоми 2-бетда ➡

Ташрифдан сўнг...

Бўка туманида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус доирасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

"Бўстон" маҳалласида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъуллари, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиклари, ёзувчи ва шоирлар, элимиз ардоғидаги санъаткорлар иштирок этишди.

Хабарингиз бор, жорий йил 1 июнь куни Президентимиз Бўка туманидаги "Бўстон" маҳалласига ташриф буюриб, туманда 5 та



ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ЭҒАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ



ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур маҳаллага ташрифи чоғида ҳудудда жойлашган 27-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Фазилят Ёқубова ўзининг "5 ташаббус", деб номланган шеърини ўқиб берган эди.

Тадбир доирасида Фазилят Ёқубовага Президентимиз совға-

си – "Кобальт" автомобили топширилди. 19-Болалар мусиқа ва санъат мактабига ҳам Президент совғаси – "Исузу" автобуси берилди.

Президент совғасини вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов топширди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
Т. МАМАДАМИНОВ (сурат),
ЎЗА

ЭЛ-ЮРТ ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Ғалла – ризқ-рўзимиз. Буни яхши билган Чиноз туманининг лафзи ҳалол миришкорлари эл-юрт дастурхонини янада тўкин бўлиши учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Ғалла – 2019

"Чиноз миришкор нурли даласи" фермер хўжалиги ҳам 48 гектар ерда мўл-кўл ҳосил етиштирди. Ғалла етарли миқдорда маҳаллий ва маъданли ўғитлар билан озиклан-тирилди, вақтида суғорилди. Айниқса, экин найчалашидан олдин устма-уст суспензия берилгани туфайли бошқорлаб бўлиқ бўлди.

Бугдой ҳосилини нест-нобуд қилмай, тез ва сифатли йиғишти-риб олиш ҳам ғаллакордан уdda-буронлики талаб этади. Пишган дон поясида турмаслигини яхши биладиган Алишер Ашуров раҳбарлигидаги фермер хўжалиги аъзолари туманда биринчилардан бўлиб ўримга киришишди. Натижада, мўлжалдаги 32 центнер ўрнига 60 центнердан ошириб хирмон уйишди.

Фермер хўжалигимиз ташкил этилганига ҳадемай 26 йил бўлади. Бирон йил йўқки ғалла режасини ортиги билан бажармаган бўлсак, – дейди Алишер Ашуров. – Бу йил баҳорнинг серёғин келиши деҳқонларимиз масъулиятини янада оширди. Астойдил қилинган меҳнат бесамар кетмади. Хар гектар ердан ўрта ҳисобда 64 центнердан дон саранжомлаб олди.

Кўёшда гўё олтиндек товланаётган ғаллазорда ком-

байнлар гуриллаб ишламоқда. Машинага дон тўкаётган "Кейс" комбайни бош оператори Аҳмад Ашуров билан суҳбатлашдик.

Ёшлиқдан техникага ихлосим баланд, – дейди А. Ашуров. – Қарийб йигирма йилдирки, мавсумга қараб техникани бошқараман. Фермер хўжалигининг 108 гектар ерини кузда ўзим шўдгорлаб бераман. Қўшни фермерларга ҳам шартнома асосида қарашамиз.

Фермер хўжалигида ғаллани увол қилмасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги бўйича барча керакли чора-тадбирлар

қўрилган. Дала бошида ғаллакорлар учун иссиқ овқат ташкил этилган.

Дарҳақиқат, бугун вилоятимизнинг барча фермер хўжаликларида етиштирилган ҳосил жадаллик билан йиғиштириб олинмоқда. Қўнига ғаллазорларда 343 та комбайн ўрим-йиғимда қатнашаёпти. Комбайнлар ва дон ташувчи техникалар мутахассислар томонидан бир бор кўздан кечирилиб, соз ҳолда ғаллазорларга киритилаётгани иш унумининг ўқори бўлишини таъминламоқда.

Хар кун ғаллазорлардан хушхабарлар келиб турибди. Ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шўдгорлаб, такрорий экинлар экишга ҳозирлик қўрилаяпти.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар



Имконият

Охангарон шаҳрида Давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замон талаблари асосида барпо этилган марказ биноси шаҳарнинг Амир Темур кўчасида қад ростлаган янги тураржой биносининг 1-қаватида барча қўлайликларни жамлаган ҳолда бунёд этилди.



АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

– Бугунги кунда шаҳримизда 37 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади, – дейди Давлат хизматлари маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Абдумажид Пардабоев. – Ўтган йил давомида марказимиз томонидан аҳолига жами 7 минг 382 та давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилнинг биринчи чорагида 6 мингдан ортиқни ташкил этди. Йил охиригача бу кўрсаткични 24 мингга етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу ҳалқимизнинг ижтимоий ҳаётида давлат хизматларига бўлган эҳтиёж кундан-кун ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Хозирда марказ томонидан жис-

моний ва юридик шахсларга нота-риус, фуқаролик далолатномаларини ёзиш, ҳайдовчилик гувоҳнома-ларини янги намунасига алмашти-риш каби юздан ортиқ хизматлар мазкур бионинг ўзида кўрсатила-ди.

– Бинода болалар майдончаси, тиббиёт хонаси, кутубхона, ошхона, инвесторлар учун махсус хоналар ҳамда бепул интернет тармоғидан фойдаланиш "Wi-Fi" зоналари таш-кил этилган, – дейди "Ёшлик" маҳал-ласида истикомат қилувчи меҳнат фахрийси, педагог Хуринос Фози-лова. – Бундай қўлай шароитлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркор-лик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги Фармониغا асосан ушбу марказда Бош вазир қабулхо-наси ҳам ташкил этилди.

– Эндиликда, муаммо ва таклиф-лар билан келган тадбиркорлар қўлай шароитларга эга бўлган мар-казда тегишли давлат органлари вакиллари иштирокида қабул қили-надилар, – дейди ёш мутахассис Феруза Холбоева. – Бу илохотлар ҳаётга тезкорлик билан татбиқ эти-лишига хизмат қилади.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат

Бағрикенглик

Вақтда ҳикмат кўп. Тафаккур эгалари учун ҳар сонияда, соат мил-ларининг ҳар бориб келишида умр моҳияти акс этади. Айниқса, яқинлар соғинчи билан яшаётган инсонларга вақтдан олийроқ ҳакам, дийдордан улугроқ неъмат йўқ.

МАНГУ САБОҚ

Президентимизнинг жорий йил 3 июнда им-золанган фармониға би-ноан, 575 нафар маҳкум афв этилди. Улардан 361 нафари тўлиқ озодликка чиқарилди. 214 нафарининг жазо муддати қис-қартирилди. Афв этил-ганларнинг 7 таси 60 ёшдан ошган. Улар ора-сида 6 нафар аёл ва бир нафар чет эл фуқароси ҳам бор.

Бугун афв шарофати билан оиласи бағрига қайтиш бахтига мушар-раф бўлганларнинг юз-кўзида миннатдорлик ҳисси яққол кўринмоқда.

– Ёшлик қилиб, ада-шиб қамалиб қолган ўғил-нинг онасиман, – дейди Турсуной Ҳамроқуллова. – Очиги, бугун жуда хурсандман. Ўғлим йўқлиги-да кўрган кунларимни эс-лагим келмайди. Шу фар-мон туфайли болам озод-ликка чиқди. Раҳмат деб, дуо қиламан.

– Президентимизнинг фармони билан афв этилганимга аввалага ишонмадим, – дейди Эгамназар Турсунов. – Сабаби, муддатим туга-шига ҳали уч йил бор эди-да. Эшитиб, йўғлаб юбордим. Бу хабардан ота-онам, ака-ука ва фарзандларим мендан кўпроқ хурсанд бўлишган экан. Энди жиноят кўча-сига сира қирмайман. Панжара ортида ўтириб, озодлик ва яқинларим-нинг қадрига етдим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда:

ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни **иккиламчи ижарага бериш ҳукуқи** берилади;

мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфра-тузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади;

ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилинади;

қонунчиликда белгиланган имтиёзли давр аяунланганидан сўнг янгида фойдаланишга киритилган ер участкасига нисбатан 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилганга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизи**, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баробаридан** ошмаган қисми қоплаб берилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилади;

ер майдонлари **инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг** қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органи (мансабдор шахс)нинг қарорига асосан ажратиб берилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан, саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ажратиладиган ерлар бундан мустасно;

қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйилаётган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги

ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдорида ҳисобланади.

Бунда суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг 90 фоизи, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда мос равишда 10 ва 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ушбу меъёр ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қўлланилади ҳамда ҳисобланган маблағларнинг 95 фоизи Республика бюджетига ва 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агроеканот маҳмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг худудий инспекцияларининг ривожлантириш жамғармасига ўндирилади;

суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

янги фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш жойларида сувни **бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан мажбурий тарзда жиҳозлаш** шарт билан ташкил этилади;

ер майдонларини фойдаланишга киритиш **сувни тежовчи технологиялардан** (томчилатиб, ёмғирлатиб, тупроқ остидан томчилаб суғориш ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) мазкур Фармоннинг 3-илласида белгиланган қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун талаб этилаётган маблағлар, 2019-2029 йиллардаги Инвестиция дастури доирасида давлат бюджетидан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи миқдорида қўшимча равишда йўналтирсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида "Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш" Дастурида қўзда тутилган қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга яроқли бўлган ер ости сувлари захирасини аниқлаш ишларини молиялаштириш учун давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратсин;

в) Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда: қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартибини;

ер майдонлари эгаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутган ҳолда табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш бўйича тақлифларни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ердан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг намунавий шакллариини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **ер майдонларини иккиламчи ижарага бериши** назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) суғориладиган ва лалми ерлар, тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-яйлов худудларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини;

замонавий усуллар асосида мамлакат озиқ-овқат таъминоти барқарорлигига эришиш учун янги серхосил қишлоқ хўжалиги экинлари, уларнинг бирламчи уруғчилигини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ташкил этилишини ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминласин;

в) Фармонда кўрсатилган вазифалар ижросини тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вазирлик таркибиди қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 1 ноябрга қадар мазкур Фармоннинг 3-илласида тасдиқланган майдонларнинг кейинги йилда қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари манзилли рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

пахта ва ғалла етиштириш рентабеллиги паст бўлган майдони умумий майдоннинг 50 фоиздан ортиқ бўлган туманларнинг барча экин майдонларини ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш шарт билан пахта ва ғаллани тўлиқ қайта ишлашни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга бериш юзасидан тақлифлар киритсин;

ушбу туманларда ташкил этиладиган пахта ва ғаллачилик йўналишидаги инвесторларга мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ҳукумат бўйсунувда қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи тегишли тузилма ташкил этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини **ҳар чорақда** Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашиларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ағар ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича **маслаҳатчиси А. Ж. Вахабов зиммасига** – Фармоннинг 3- ва 4-илловаларидаги прогноз кўрсаткичларни, Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини мониторинг қилиш ва зарурий чораларни қўриб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирли **Ж. А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига** – Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирли **Ш. Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига** – Фармоннинг 4-илловасидаги прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, фойдаланишга киритилган майдонларда сув тежовчи технологияларни қўллаш, ирригация тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча сув омборларини қуриш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирли **С. Ў. Умурзоқов зиммасига** – Фармоннинг 3- ва 4-илловаларидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари маблағларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 17 июнь

◀ Бошланғич 1-бетга

□ Бағрикенглик

МАНГУ
САБОҚ

Шерзод Дадамирзаев ҳам чин дилдан тавба қилиб, тўғри йўлга қайтгани боис афв этилди. – Қамалганимдан кейингина қилган ишим хато эканлигини англаб етдим, – дейди Ш. Дадамирзаев. – У ёқларда вақт жуда секин ўтар, яқинларимни соғиниб, юрагим эзиларди. Уйга қайтармакканман, деб умид қилиб юргандим. Президентимизнинг афв тўғрисидаги фармони билан кечирилдинг, дейишганида дунёга янгитдан келгандай бўлдим. Ҳаммаси учун давлатимиз раҳбарига раҳмат. Энди ҳалол меҳнат қилиб, айбимни ювман.

– Озодликнинг қадрини билиш учун қамалишим шартмиди, деб ўзимга кўп савол бердим, – дейди Усмон Зокиров. – Элликка тўлдим. Ўйлаб қарасам, шу ёшга етибману бирор хайрли иш қилмабман. Яна қанча умрим қолди, йўқотганларимнинг ўрнини тўлдирга оламанми-йўқми, буни Яратган билади. Аммо, қолган умримни инсонларга яхшилик қилишга сарфлайман. Билдирилган ишонч учун раҳмат.

Англаганимиздек, давлатимиз раҳбарининг фармони тўғрисидаги қамаланиш, оиласи бағрига қайтаётганлар қилган айбидан қаттиқ пушаймон. Ўзларига билдирилган ишонч тўла хис қилган ҳолда ҳаётида янги саҳифа очиб истагиди. Уларни қўлаб, тўғри йўлга тушиб олишлариға қўмаклашишга барчамиз масъулмиз.

Ўз мухбиримиз

Бахтиёрнинг ҳаётида янги кун, янги давр бошланди. Болакай энди кучли. Осмонда туйқус пайдо бўлган самолёт ёки вертолёт ташлайдиган бомбадан ортиқ қўрқмайди. Визиллаб отилиб турган ўқлардан беркинишга жой қидирмайди. Чунки, у ўз юртида. Гарчи бир оёғидан яраланган бўлса-да, бугун оғриқни унутди. У илк бор сокин, хотиржам, мусаффо тонгни қарши олди...

ВАТАН ЙЎҚДИР ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА

Аввал хабар қилганимиздек, Президентимизнинг топшириғига биноан 2019 йил 30 май кун "Меҳр" инсонпарварлик операцияси доирасида Сурия жанггоҳларидан 156 нафар ватандошимиз юртимизга олиб келинди. Шундан 48 нафари аёл, 107 нафари бола.

Мухлиса Иноятова ҳам ўзга юртлардан бахт излаган, алал-оқибат хорлиқда, зўрликда қилган ишидан минг пушаймон бўлган ҳамюртларимиздан. У бундан етти йил муқаддам ота-онаси билан Туркия давлатига чиқиб кетади. Ўша ерда бир йигит билан танишади ва оила қуради. Дастлаб ҳаёти бир маромда кечади. Аммо...

– Туркия давлатида танишган йигитга турмушга чиқишимга ота-онам розилик беришмаган эди, – дейди М. Иноятова. – Ўша кезларда улардан қаттиқ хафа бўлгандим. Лекин, сал ўтмай, турмуш ўртоғим сабабли нафақат мени, балки ота-онамнинг ҳаёти ҳам остун-устун бўлиб кетди. Турмуш ўртоғим уйда кўп бўлмас, нима иш қилишини айтмасди. Доим башанг кийиниб юрар, бир қарашда террористга ўхшамасди. Лекин, одамнинг олasi ичида бўларкан. Бир



куни эрим: "Дубайга олиб бораман", дея мени ўзи билан олиб кетди. Хатто, ота-онамни хабарларда улардан қаттиқ хафа бўлгандим. Лекин, сал ўтмай, турмуш ўртоғим сабабли нафақат мени, балки ота-онамнинг ҳаёти ҳам остун-устун бўлиб кетди. Турмуш ўртоғим уйда кўп бўлмас, нима иш қилишини айтмасди. Доим башанг кийиниб юрар, бир қарашда террористга ўхшамасди. Лекин, одамнинг олasi ичида бўларкан. Бир

намдан олиб кетиш учун келишди, аммо ўзлари ҳам қолиб кетишди. Чунки, бу ерга келган одамга ортага йўл йўқ экан. Отам онам иккимизни ҳали у ер, ҳали бу ерга кўчириб, уруш оловидан асраб юрди. Шундай оғир кунларнинг бирида сулҳ тузилди, деган хабар эшитдик. Сулҳ тўғрисида депорте

ралдим. Пушаймонлигимни сўз билан ифодалаб беролмайдим. Давлатимиз бизни хорлик-зорлик ортага кутқариб, кўрсатаётган ғамхўрлигидан кўзларимдаги ёш тўхтамаяпти.

Суриядан олиб келинган М. Собиржонов ҳам уч фарзандини олиб, қинғир йўллар билан кир

гинбарот бўлаётган юртга ўз кўнглида жиҳодга отланган эди. Уч йил ўша ерда яшабди. Энг даҳшатлиси, тўнғич қизи Мадинанинг 15 ёшда кўзи ёриган. Ҳозир унинг жанггоҳларда дунёга келган қақалоғи беш ойлик бўлди. Шармандалиси, Мунира опанинг ўзи ҳам қизи Мадинадан сўнг учинчи эридан фарзанд кўрди. Унинг туғилганига ҳали бир ой тўлмаган.

– Тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етмадим. Ўзимга ўхшаган онгги паст инсонлар алдовига учиб, жиҳодга отландим, – дейди М. Собиржонов. – Лекин, у ердаги ҳақиқий аҳволни билгач, қилган ишим хато эканлигини англаб етдим. Афсуски, унда кеч бўлган эди. Қилмишимга яраша жазо олдим. Бошимга тушган кунларни душманамга ҳам раво кўрмайман.

Ҳа, ачинарли ҳолат, фожиали

ёзилдик. Шукр, ўз юртимизга қайтиш насиб қилди.

Вилоятимиздаги "Бўстон" соғломлаштириш реализация марказида даволанаётган яна бир аёлнинг сўзларига қўлоқ тутинг-а.

– Тинчлик-хотиржамликнинг қадрини уни йўқотган, билдим, – дея гап бошлайди Ш. Қорабоева. – Очиғи, у юртларда кўрган кунимни эслашни ҳам истамайман. Саробга алданиб, соғлигимдан, фарзандларимдан, оиламдан аж

...Туғилганлик ҳақида гувоҳнома олган болалар орасида Бахтиёр ҳам бор. Яқинда жонини сақлаш мақсадида ертўлаларда азобланиб юрган болакайнинг кўнглини бугун ажиб ҳислар, орзу-мақсадлар эгаллаган бўлса, ажабмас...

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

□ Яхши ташаббус

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Саломатлик куни" доирасида мунтазам оммавий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бўша туманида ташкил этилган шундай тадбирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари, шифокорлар, ҳамширалар, ёшлар ва кен жамоатчилик вакиллари қатнашди.

СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАДАМ ТАШЛА

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2019 йил 1 июнь куни вилоятимизга ташрифи давомида берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. "Соғлом ҳаётга қадам ташла" шиори остидаги тадбир дастлаб тумандаги "Бўстон" маҳалласида оммавий бадантарбия машқлари билан бошланди. Саломатлик кунинда, айниқса, ёши катта фуқаролар ҳам фаол иштирок этишгани одамларимизда соғлом турмуш тарзига интилиш шаклланишини кўрсатмоқда. Шунингдек, тадбирга йи-



гиланлар ҳамжihatлик билан маҳалла бўйлаб 5 километр масофага фаол юришда қатнашишди.

Мутахассислар фикрига кўра, оддий юриш (ҳафтасига камида 8 километр) юрак қон-томир касалликлари хавфини 31 фоизга,

ўлим хавфини 32 фоизга қисқартиради, — дейди Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази вилоят бўлими бошлиғи Гулнора Тўхтаназарова. — Шунингдек, суяк ва мушакларни

учун жуда фойдали. Доимий тарзда енгил машқлар бажариб турилса, мушак тизими мустаҳкамланиб, бўғимлар ҳаракати яхшиланади. Бундан ташқари, соғломлаштирувчи машқлар туфайли қомат тик ва тўғри ривожланади.

Тадбир доирасида "Бўстон" маҳалласидаги 7-оилавий поликлиника олдидан "Саломатлик майдончаси", "Биз тамақсиз ҳаёт учун овоз берамиз" ва "Соғлом овқатланиш ярмаркаси" ташкил қилинди. Бу ерда соҳа мутахассислари юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллиқнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар беришди.

Дугоналарим билан тўғри овқатланиш маданияти ҳақида тушунчага эга бўлдим, — дейди Моҳира Эгамова. — Шифокорлардан биз севиб истеъмол қилади-

ган газли ичимлик ва ширинликлар саломатлигимиз учун хавфли эканлигини билиб олдик. Энди кўпроқ мева ва сабзавотлар тановул қилиб, жисмоний фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Туман марказий стадионидан ҳам қатор ташкилотлар, спорт мактаби ходимлари, коллеж ўқувчилари ва аҳоли иштирокида бадантарбия машқлари бажарилиб, 5 километрга фаол юриш тадбири бўлди. Стадион ёнидаги "Эко-парк"да эса катталар ва болалар иштирокида велосайр, мусиқа мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

15-Мехрибонлик уйида ҳам саломатлик машқлари тарбияланувчилар томонидан уюшқоқлик билан бажарилди.

Тадбирда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова иштирок этди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Шерзод ҚОБУЛОВ
олган сурат

□ Ана холос!

«ДАМАС» МИНГАН МАСТ

Машина бошқариб бораётган киши эътиборсизлиги ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида нафақат ўзининг, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяди. Устига устак спиртли ичимлик истеъмол қилиб, машина бошқарганда бу хавф икки қарра ошади.



Тошкент шаҳар Чилонзор тумани маъмурий судида кўрилган ишда воқеа қуйидагича бўлгани аниқланди. 2019 йилнинг 26 апрель куни йўл-патруль хизмати ходимлари қоронғида ёритиш чирокларини ёқмасдан келаётган "Дамас" русумли автомашинани тўхтатишди. Текширув жараёнида ҳайдовчи Э. Д. автомашинани ҳужжатларсиз ва маст ҳолда бошқариб келаётгани маълум бўлди.

Судда Э. Д. айбига тўлиқ

иқдор бўлиб, ёшлик қилганини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, жазо тайинлашда енгиллик берилишини сўради.

Суд ҳуқуқбузарга жазо чораси белгилашда унинг шахсини, содир қилган қилмишининг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, қилган ишдан пушаймонлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддалари асосида жазо тайинлади. Э. Д. энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима тўлайдиган ва 15 сутка маъмурий қамок жазосини ўтайдиган бўлди.

Дўстмурод ТОШЕВ,
Чилонзор тумани
Маъмурий суди судьяси

□ Сиз кутган суҳбат

Илгари одамлар адвокатларга ишонишмас, прокурорга рўпара келса, қўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлашар эди. Шу сабабли ҳам жуда кам ҳолларда адвокатга мурожаат қилишарди. Сўнгги йилларда соҳадаги ислохотлар, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётгани фуқароларда адвокатларга нисбатан ишончнинг мустаҳкамлашди. Энди улар оддий масалаларда ҳам адвокат маслаҳатига таянишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Илёс Юсупов билан суҳбатимиз шу каби мунозаралар теварагига кечди.

«ВИЛОЯТИМИЗ

— Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларга вилоятимиз адвокатлари қандай ҳисса қўшмоқда?

— Аввало, Президентимизнинг ўтган йил 12 майдаги "Адвокатура институтини самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа фаолиятини янги босқичга қўтарганини таъкидлаш истадим. Бу тарихий ҳужжат суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини янада кучайтириб юборди. Бир сўз билан айтганда, фармон билан адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган қатор омишлар бартараф этилди. Бу, ўз навбатида, адвокат одамлар ишончнинг қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адвокатура институтининг муста-

қиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан ҳам ҳозирги кунда бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, ислохотларда вилоятимизда фаолият кўрсатувчи адвокатлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул юридик маслаҳатлар бериш, процессуал ҳужжатларни тузиш каби ишларни бажаришмоқда.

Сўнгги вақтларда жойларда ташкил этилаётган сайёр қабулларда адвокатлар ҳам иштирок этиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда тегишли ариза ва шикоятларни киритишда ақидан қўмақ бериб келишмоқда.

Бундан ташқари, Адвокатлар палатаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорликда маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи шанбасида бепул юридик маслаҳатлар беришмоқда. Шунингдек, вилоят Халқ қабулхонасида адвокатларнинг ихтиёрий навбатчилик жадваллари ташкил этилиб, унда мунозарачиларга бепул юридик ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоят адвокатлари жойларда

ўтказилаётган семинар ва йиғилишларда фаол қатнашиб, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш учун турли мавзуларда маърузалар қилишмоқда.

— Яқинда advokatnews.uz сайтида бир хабарни ўқиб қолдик. Унда зангиоталик адвокат бир кунда 162 нафар одамга хизмат кўрсатгани айтилган. Бу қийиндир ҳазилими?

— Очиги, сиз айтган хабар тарқалиб кетгани яхши бўлмади. Сайтидаги мазкур хабар бир шахснинг

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИДА

гайриинсоний қийноқларга солиш ҳаракатлари мавжуд эмасми?»

фикри бўлиб чиқди. Унда аниқ маълумотлар берилмаган бўлсада, биз ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Зангиота туманида фаолият кўрсатувчи барча адвокатлик тузилмаларини синчиклаб ўргандик. Бир адвокат томонидан бир кунда 162 нафар жисмоний шахсга юридик ёрдам кўрсатилгани ҳолати ўз тасдиғини топмади.

Аммо туманда фаолият кўрсатган "Ideal Protect" адвокатлик бюроси адвокат тергов ва судларнинг тайинлови асосида 2013 йилнинг август-декабрь ойларида, яъни 5 ой давомида 168 нафар жисмоний шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер ёзганлиги ва тўпланган тегишли ҳужжатлар Зангиота тумани молия бўлимига 2014 йил 6 январь кунини тақдим этилгани маълум бўлди, холос.

— Фуқаролар орасида давлат адвокати ва хусусий адвокат деган тушунчалар бор. Тергов идораларига иши тушганлар улар икки хил иш юри-

тишади, дейишади.

— Дарҳақиқат, шундай тушунча мавжуд. Фуқаролар кўпинча хусусий фирмалардан ёлланган адвокат сифатли юридик ёрдам кўрсатади, деб ўйлашади.

Бу нотўғри тушунча. Чунки, адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширишини инобатга оладиган бўлсак, тайинлов асосида келган адвокатлар, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузган ҳолда ҳозир

гайриинсоний қийноқларга солиш ҳаракатлари мавжуд эмасми?»

Вилоятимиз адвокатлари ҳам фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқни, яъни тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун дастлабки тергов ва суднинг тайинловига кўра, қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатиб, ҳар қандай ҳолатда ҳимояси остида бўлган шахснинг ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга ҳаракат қилишади.

— Терговга қайтариш институтининг бекор қилингани қандай енгиллик берапти?

— Бу янгилик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман. Чунки, илгари ҳар қандай ҳолатда ҳимояси остида бўлган шахснинг ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга ҳаракат қилишди.

— Терговга қайтариш институтининг бекор қилингани қандай енгиллик берапти?

— Бу янгилик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман. Чунки, илгари ҳар қандай ҳолатда ҳимояси остида бўлган шахснинг ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилишга ҳаракат қилишди.

Ҳозирда эса судлар томонидан

жиноят ишлари терговга қайтарилмасдан, суд мажлисида суд терговини ўтказган ҳолда, тортишувлик принципларига таяниб якуний қарорлар чиқарилмоқда. Айни вақтда судьялар томонидан суд мажлисида текширилган ва баҳоланган далилларга ҳамда жиноят процессуал кодексига белгиланган айбсизлик, ҳақиқатни аниқлаш каби принципларга риоя этган ҳолда адолатли қарор қабул қилинмоқда. Шу боис, судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилиб, судланувчиларнинг қилмишларини енгилроқ моддаларга қайта малакалаб, содир этилган жиноятга яраша жазо тайинланмоқда. Бу эса халқимизга хос кеҳиримлик, бағрикенгликнинг яққол ифодасидир.

— Бугун терговда гайриинсоний қийноқларга солиш буткул йўқотилган, деб айтилмоқда. Бу вилоятимиз тергов органларида қай даражада ўз исботини топапти?

— Тергов ҳаракатлари олиб борилишида гумон қилинувчи, айбланувчиларга нисбатан гайриинсоний қийноқларни қўллаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ва бунинг учун тегишли жавобгарлик бор.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ушбу ҳаракатларни амалга оширишга қарши қаратилган бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, тергов ҳаракатларини аудио-видео воситалари орқали ёзиб олиш, адвокатларнинг ҳимояси остидаги шахслар билан ваколатли органлар масъул шахсларнинг руҳсатисиз, мuddати кечканмаган тарзда, эшитиш ва кузатув олиб боровчи воситалар бўлмаган махсус хоналарда учрашишлари таъминланиб келинаётгани бундай гайриинсоний қийноқларни қўллашнинг олдини олишга қўйилган қадамлар деб ҳисоблаш мумкин.

Айни вақтда вилоят ҳудудий бошқармаимизга адвокатларимиз томонидан ҳимояси остидаги шахсларга нисбатан гайриинсоний қийноқлар қўлланилаётгани ҳақидаги хабарлар келиб тушмади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Абдусалим МАҲМУДОВ
суҳбатлашди

ТЎҒРИ
ОВҚАТЛАНИШ
МАДАНИЯТИ

саломатликнинг муҳим талаби

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, инсон саломатлигини белгилловчи омилларнинг 50 фоизи овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20 фоизи наслга ва 10 фоизи тиббий хизмат сифатига боғлиқ. Бундан келиб чиқадиги, ҳар бир киши яшаш тарзи ва овқатланиш маданиятига нисбатан эътиборли бўлиши даркор.



Абу Али ибн Сино ҳам узоқ умр кўришнинг асосий омилли сифатида тўғри овқатланиш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳақда Зангиота тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Тўғри овқатланиш — саломатлик гарови" шиори остида бўлиб ўтган тадбирда маълум қилинди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, тўғри овқатланиш тамойилларини

ва жисмоний фаоллиқни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбир доирасида шахмат-шашка, веломаффон, стол теннис, футбол мусобақалари ташкил этилди. Шунингдек, аҳолининг қон босими бўйича текширувлар ўтказилиб, зарур тавсиялар берилди. Бундан ташқари, соғлом овқатланиш тарғиботига бағишланган кўргазма ҳам бўлди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

ЖАМОАТЧИЛИК
МУҲОКАМАСИГА

Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида:

2019 йил 1 августдан бошлаб қуйидагилар тақлиф этилмоқда:

● бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қўйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотиш тушумининг миқдоридан қатъи назар қўйилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади;

● товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар қўйилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда, товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўйилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобда туриши шарт;

● ягона ер солиғи тўловчиси бўлган кишлоқ ҳўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўйилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин;

● календарь йили давомида хизматларни реализация қилишдан олган тушуми юз миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан кўп бўлмаган телекоммуникациялар операторлари ва (ёки) провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар хизмат ҳақи суммасидан 25 фоиз ставкада ягона солиқ тўловини тўлашга ўтади.

ЎЗ

